

РҮЗНОМА
1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

● 35 (2299) ● 1991 ЙИЛ 9 АПРЕЛЬ

● СЕШАНБА

● БАХОСИ 10 ТИИИН



«ПУЛ КЕРАКМИ?..»

«Шу кунларда кўпчиликни бир нарса қизиқтиримоқда. «Эртага нима бўлади? Индига-чи? Бир йилдан кейинчи? Мен-ку бир кунимни кўрманс, лекин фарзандларимнинг келажаги қай ҳолатда кечарсан?» Узимизни қанчалик чалгитишга ҳаракат қилимайлик, барбири машина саволлар ҳаёлимизга қайта ёширилиб келаверади. Чунки бир томонда нарх-наово, иккинчи томонда эса хилма-хил қаллоблигу найнанг-бозликлар кучайиб бораётган замонда ўйламасликнинг иложи ҳам йўқ». Рўзномамизнинг 16 март сонидаги сарлаваш билан чоң этилган мақола ана шу сатрлар билан бошланади. Унда жумҳурият аҳолиси ўртасида пул муомаласини электрон-хисоблаш машиналари билан бошқариш тўғрисида сўз юритилганди. Мақола чоң этилгач, таҳририятимизга дебарли ҳар куни ўқувчиларимиздан кўплаб хатлар келмоқда. Бугун биз аниа шу мактубларда билдирилган айрим фикрларни сизнинг ҳуқминингга ҳавола этмоқдамиз.

Ўғирлик, порахӯрлик каби кўплаб иллатларга қарши курашаётган Ўзбекистон ССЖ-ИИВ ҳайъати нашри бўлмиш «Постда» рўзномасида бу мақоланинг чоң этилгани хайрли ишдир. Агар таҳририят аҳоли ўртасида пул

муомаласини ЭҲМ билан бошқариши амалга ошириш учун келгусида ҳам жонбозлик кўрсатса, керакли идоралардан жавоб талаб қиласа, янаям яхши бўларди.

Ҳ. ТОҒАЕВ,
Қашқадарё вилояти,
ҳайдовчи.

«Пул керакми?..» мақоласи ўз вақтида ёзилган. Агар шу иш амалга оширилса, турли иллатлар камайиб, савдо соҳаси ҳам тартиби тушшиб, камёб маҳсулотлар ўз нариҳда аҳолига керагича сотиларди, деган фикрдаман.

Дилбар КАРИМОВА,
уй бекаси.

Хозирги пайтда барча жумҳуриятлар қандай қилиб бўлса ҳам, иктиносидай тандикдан тезроқ чиқиши йўлини ахтармоқда. Украинада куон, РСФСҶда чек система-сига ўтиш ҳақида гап бўлмоқда. Мақолада ёзилганидек, пул муомаласини ЭҲМ билан бошқариш системаси энг қулий ва аниқ йўлдир. Ҳар қандай қийинчилик бўлса ҳам, Қўргонбоев илгари сурган тақлифни амалга ошириш зарур. Издан чиқдан иштисодимизни фақат шу йўл билан тузатиш мумкин.

**А. АХМЕДОВ,
И. ТЕМИРОВ,
Х. НИШОНОВ,**
Тошкент тўқимачилари



Утган йили Калинин тумани марказидаги олмазордан номаълум кишининг жасади тошилди. Зудлик билан оператив гуруҳ тузилди ва қидирув ишлари бошлаб юборилди. Маълум бўлишича, марҳум «Тошкентгеология» корхонаси ишчиси, 1958 йилда тутғилган Анатолий Ткаченко экан. Орадан кўп вафт ўтмай қотил — «Орзу» кинотеатри механизги Рамил Шарафутдинов юлга олинди.

Унинг устидан қўзатилган жинонӣ ишга яқун ясалди ва судга оширилди.

— Бу каби оғир жиноятчиликни очишнинг энг биринчи ва муҳим шарти тезкорлиkdir, — дейди ИИВ бошлиғи, милиция подполковники А. Қосимов. — Мен бу гап

ни тажрибамиздан келиб чиқиб айтаямсан. Утган йил давомида тезкорлик туфайли кўп-лаб жиноятларни фош этик ва бир қанчаларни гуруҳларни қўлга олдик.

СУРАТДА: (чандан ўнга) опергурӯҳ аъзолари — навбатчи қисм инспектори, милиция майори Турсунбой Ортиқов, участка вакили, милиция капитани Тоҳир Нишонхўжаев, милиция сержанти Алишер Тошматов, ЖҚБ ходими, милиция лейтенанти Акбарали Холмираев, милиция кичик сержанти Муҳаммаджон Бўтабеков ва милиция старшинаси Рустам Каримбековлар навбатдаги тошириқини адо этиш учун отланишалти.

Сураткаш Boқижон ХОЛМИРЗАЕВ.

ИШОНЧНИ ТИКЛАШ КЕРАК

тез орада ушлаб, заарсизлантиришга мубаффақ бўлдик. Ленин туманинаги Ниёзитор посёлкасида яшовчи, 1959 йилда туғилган, муқаддам судланган Абдулсамад Абдуллаевдан 1958 йилда ишлаб чиқарилган қирқма милитиқ ва беш дона ўқни тортиб олдик.

Терговчиларимиз унга нисбатан ЖМнинг 127-моддаси 2-қисми билан жинонӣ иш қўзгадилар. Халқ суди бу ишни кўриб чиқиб, А. Абдуллаевни 7 йилга озодликдан маҳрум қилди.

Бундан ташқари ўтган йил давомида жиноятчилар қўлидан яна битта қирқма милитиқ, битта Гарбий Германияда ишлаб чиқарилган тўплонча тортиб олинди. Бу ўнлаб, эҳтимол юзлаб Турсуналилар милиция томонидан муҳофаза қилинди. деган сўз.

Бу ютуқлар — ўзимизни, улар билан магрутланиш керак эмас. Мен ҳам айни пайтда бундай кайфиятдан мутлақо узоқдаман.

Айтмоқчи бўлган фикрим, ҳеч кимга сир эмас, кейинги пайтда милицияни ишончизлиқ кучайиб бораётти. Уни тиклаш учун фаолиятни сифат жиҳатдан ююри погонага кўтариш, ҳатто энг майдада ҳисобланган қонунчизлиги эришиш керак. Шундагина халқ милицияга дилини ёради, ундан масладим.

Хуллас, белгиланган жойга олдинроқ бориб турдик. Келишилган вақтда зўравон келди. Менинг ҳамроҳларим бир умрга спорт билан ошино тутинган бақувват, чандаст йигитлар эди. Уларнинг абжирлиги кўл келди ва уни

ҳат сўрайди, суннади, керак бўлган тақдирда бу менинг милициям, деб турли иғволардан ҳимоя қиласди.

Хўш, қийин ва машақатли хизматимиз жараённада бу ютуқка қандай қилиб эришиш мумкин? Бунинг ҳам битта йўли бор. Фақат омилкорлик, ишбилармонлик талаб қилинади.

Агар ҳурматли рўзнома ихлосмандлари фикрларимини тўғри қабул қилаётган бўлсалар, яна ўз фаолиятимиздан амалий мисол келтирмоқчи эдим. Юқоридаги жиноятни очиб, хавфли товламачини қўлга олиш тадбигира, агар эътибор берган бўлсаларнингиз, ёнгидан сақлаш инспектори, ички хизмат лейтенанти Салимжон Тешабоевни ҳам жалб этганимни ёдим. Юзаки қарагандай ҳамма ўз ишини қилиши керак. Лекин үменинг услубим сал бошқачароқ. Ҳозирча Салимжон Тешабоев сингари тўрт нафар спорти йигитларимиз маҳоратидан, улар қайси хизматда бўлишиларидан қатъий назар, омилкорлик билан фойдаланиш лозим. Вақти келгандай уларни ЖҚБ хизматига ўтказиш мумкин бўллади.

Тўғри, шунақа пайтларда юқоридан қоидага хўлоф иш туталяпсиз, бошқа ходимларни ЖҚБ ўйналишидаги ишларга жалб этиш — яхши эмас, деган эътиrozларни ҳам эшишишга тўғри келади.

Мен эса бундай ўртоқларга ССЖИ ИИВнинг 1990 йилда туман бўғинларидаги раҳбарлар ҳуқуқини кенгайтириш ҳақидаги бўйруғини эслатиб қўйман.

Иккинчи томондан, формали киши, қайси хизматдалигидан қатъий назар, тинчлик посбонидир. Қанақа жиноятлигидан қатъий назар жабрланувчи сизга мурожаат қилишга ҳақли, сиз эса унга ёрдамлашишга мажбурсиз. Шунинг учун ўзимнинг танлаган йўлимини ходимларимизни чиниҳтириш, ҳар қандай вазиятга тушиб қолганда дөвдираб қолмасликка тайёрлар, деб изоҳлаган бўлардим.

Яна бизда шундай одат вужудга келтирилган, айтайлик, бирор ерда қотиллик содир этилган бўлса, ДАН ходимидан тортиб ёнгидан сақлаш хизматчиларигача бефарқ туролмайди. Қаердаки елқадошлик бўлмас экан, у ерда муваффақият бўлишидан умидни узваверинг.

Яна бир нарсани айтуб ўтишни истардим. Кўпичча милиция замонавий техника билан қуролланмаган, машиналари эски, деган галларни эшишиб қоламан. Маҳаллий ҳуқумат ёрдам бермаётганидан нолишиади. Халқимизда бир мақол бор: бола йиғламаса, онаси сут бермайди. Ахир бунинг учун курашиш, талашиш, тортишиш керак. Бизнинг юллимизда «Мили-

цияни ижтимоний ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялашни кучайтириш тўғрисида» ги қонун бор. Ундан фойдаланиш ҳам керакда!

Ҳаракат қилиб банкда ҳуқуқ-тартибот фондини очиши эришганимиз, «Тез ёрдам» муассасасидан «Раф» белгили машина олганимиз, ҳозир ДАН ходимлари фойдаланишалти. Идорамиз учун маҳаллий бюджетдан Зарим минг сўмлик мебель олдик. Қолаверса, ходимларимизга ҳам секинасталик билан бўлсада, машина ажратилишига эришалти.

Ишончим комилки, халқ бизни тўғри тушунаяпти. Битта мисол шуки, бир йилда корхона ва ташкилотлар ҳисобидан 29 нафар ёлланма милиционерларни ишга олдик.

Ана шундай ғамхўрликлар шахсий таркибимизни руҳлантирай қолмайди. Ҳамма билади, ўтган йили ўш воқеалари муносабати билан бизда ва қўшни туманларда фавқулодда ҳолат ёзлон қилинди. Лекин, қийналсанда, бирор кўнгилсиз ҳодиса содир бўлишига ўйлайдик. Умумий жиноятчилик 1989 йилдаги даражада қолди.

Ҳали дилдаги режалар кўп. Уларни амалга ошириш жараённада ўйлайманки, халқимиз бизни кўллаб-қувватлайди.

Аҳмаджон МАНИЕЗОВ, Марҳамат тумани ИИВ бошлиғи, милиция подполковники.

УСМИР ВА ҚОНУН

НОЖҮЯ ҚАДАМ ЖИНОЯТГА БОШЛАЙДИ

Жамоатчи мухбиримиз Баҳодир Давлатов яқинда пойтахт вилояти ички ишлар бошқармаси профилактика бўлимининг бошлиги милиция полковниги Қобилжон Каримович Тошмуҳамедов билан вилоятда болалар ва ўсмирлар ўртасидаги жиноят чиликнинг аҳволи ҳамда бу иллатга қарши олиб борила ётган ишлар тўғрисида сұхбатлашди.

— Қобилжон Каримович, мана янги йилнинг учинчи ойи ҳам ўтди. Ўтган 1990 йилда ва шу йилнинг ортда қолган ойларда пойтахт вилоятида болалар ва ўсмирлар иштирокидаги жиноятлар кўп бўлдими?

— Болалар ва ўсмирлар ўртасида тартиббузарликка, жиноятчилик қарши кураш масаласи бугунги кунда нафақат ички ишлар органлари, балки ота-оналар, ўқув юртлари ва қолаверса кенг жамоатчилик олдига турган энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Фикримнинг далили сифатида айрим рақамларни эслатиб ўтсан. 1990 йилнинг якунини бўйича пойтахт вилоятида болалар ва ўсмирлар томонидан 747 та жиноят содир қилинган. Бу 1989 йилдагига нисбатан 23,6 фоиз кўпдир. Бундай жиддий ўсиш Олмалиқ, Ангрен, Чирчиқ, Янгиёйл шаҳарларида, Оққўргон, Оҳангарон, Бўка, Пекент, Чиноз ва Янгиёйл туманларида қайд қилинди. Расмий маълумотларга кўра, 1990 йилда вилоятда ўсмирлар томонидан содир қилинган оғир тан жароҳатлари етказиш, номусга тегиш, безорилик каби жиноят турлари бир мунча камайгани ҳолда қотиллик 66,6 фоизга, босқиччилик ва талончилик 18,4 фоизга, давлат ва жамоат мулкига тажовуз қилиш эса 1,8 фоизга ошган. Содир этилган жиноятларнинг ҳар иккитадан бирини фуқароларнинг шахсий мулкини ўғрилаш ташкил қилди.

Шу билан бирга жиноят содир қилишда иштирок этган ўсмирларнинг сони кўпайиб 837 кишига етди. Уларнинг 76 фоизи ёки деярли бешдан тўрт нафари 16-17 ёшли ўсмирлар. Фақаттинга ўтган йилнинг ўзидағина мактаб ёшидаги 193 бола, ҳунар-техника ва бошқа ўрта махсус ўқув юртларнинг 227 талабаси жиной жавобгарлика тортилган.

Биз ўтган йилнинг сабоқларидан келиб чиқиб, бу йилнинг бошиданоқ болалар ва ўсмирлар ўртасидаги жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги ишларни жонлантиришга ҳаракат қўйдик ва шу мақсадда Ангрен, Олмалиқ шаҳарларида, Оҳангарон туманида ва бошқа жойларда бир мунча тадбирларни амалга оширилди. Ана шулар чогида ходимларимиз мактабларда, ҳунар-техника ва ўрта махсус ўқув юртларида бўлишиб, ўсмирларнинг ишларни ташкил қилинди.

— Ҳозир иккисода бозор муносабатларига ўтиш жараёни кетаяти. Ҳамма жойда хўжални ҳисобига ўтилаётти. Мана шу шароитда њеч қаерда ишламай ва ўқимай юрган ўспиринларни ишга жойлаштириш қийин бўлмайтими?

— Фақаттинга ўтган йилнинг ўзида ички ишлар идораларига олиб келинган ўсмирларнинг 557 нафари њеч қаерда ишламасдан ва ўқимасдан юрганлиги маълум бўлди. Булар фақат ҳукуқбузарлик қилиб ќўлга тушганлар, холос. Аммо ишга жойлашишда ёрдам сўраб кетишини, ана шунда ҳам кўп ўқувчи ва талабалар дарс пайтида кўча-богларда, кинотеатрлarda хатжилд кўтариб юришлари њеч кимга сир эмас. Синиф раҳбарлари ва гурухларнинг мурраббийлари ўз тарбияланувчилигини ўйларига жуда кам борадилар, оиласидан шароитлари билан кам қизиқдилар. Ундан ташқари эса ўтган йилда 36 муаллим хушёрхонамизда «мехмон» бўлиб кетди. 5 киши эса жиной жавобгарлика тортилди.

— Қобилжон ака, вилоят ички ишлар идораларининг ходимлари болалар ва ўсмирлар ўртасидаги жиноятчиликнинг олдини олиш борасида қандай ишларни амалга оширияптилар?

— Бугунги кунда вилоят ички ишлар идораларининг махсус ҳисобларида 2000 га яқин ўсмир туриби ва уларнинг хар бири билан алоҳида назорат-тарбия ишлари ташкил қилинган. Ўтган 1990 йилда 1051 ўсмир тўғри йўлга тушиб олганларни муносабати билан бундай хисобдан ўчирилдилар. Галаба туманининг Гулистон қўрго-

роия қўмитасидан Олмалиқ рӯҳ заводига йўлланма олиб берилди. Аммо бу катта жамоати раҳбарияти турли баҳоналар билан Викторни ишга олишдан бощ торти.

Ўтган йилнинг ноябрь ойидан бери њеч қаерда ишламай, ўқимай юрган 17 ёшли Дамир Богдановга нисбатан ҳам худди шундай муносабатда бўлишибди. Олмалиқ ижроқўмининг йўлланмаси у ишга юборилган корхона раҳбарияти томонидан инобатга олинмади.

Бундай мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин. Вилоятимизда бугунги кунда фақаттинга махсус ҳисобларда турган ўсмирларнинг ўзидангина 250 нафарини яхин кунларда ишга жойлашиши керак, аҳвол эса ҳалигидек.

— Қобилжон Каримович, болалар ва ўсмирлар ўртасида жиноятчилик ва қонунбузарлик қарши кураш ишида яна қандай муаммолар бор ва уларни ҳал қилишда жамоатчилик қандай ёрдам берадиги?

— Бу саволга бир сўз билан жавоб бериш бўлмайди. Боя айтиб ўтганимдек, ўз ечимини кутиб ётган муаммолар жуда кўп. Булар мактаб ва билим юғларидан ўқиш «жонларига теккан» ва қонунбузарлик йўлига қадам қўйар экан. Ҳисоботлардан маълум бўлдик, ўтган йили ички ишлар идораларига «ташриф» буюрган ўсмирлардан 3,8 фоизининг ота-онаси умуман йўқ ёки ташлаб кетишган, 40,4 фоизи мухити оғир оиласарларнинг фарзандлари, 2,4 фоизи эса болалар уйларининг тарбияланувчилари экан. Бу рақамлардан ҳам болалар тарбиясида ота-онанинг роли нақадар катта эканлиги кўриниб туриди. Буниси ҳам майли, бугунги кунда болаларнинг ҳукуқбузарлиги етмагандек, ўзлари ҳам тарбияга муҳтоҷ 411 ота-она махсус ҳисобларга олинган. Ундан ташқари, ўтган йилда шундай ота-оналардан 12 нафари фарзандларига бўлган ҳукуқларидан маҳрум этилди, 19 нафари эса жиной жавобгарлика тортилди. Энди жамоатчиликнинг ёрдами тўғрисида гапирсак, тўғриси ҳамма ерда ҳам бу ишга бир хил ёндишаётгани йўқ. Ўз олдиларидағи масъулиятни тўғри ҳал қилиб, ички ишлар идораларига яқиндан ёрдам берадиган ота-оналар, ота-оналар қўмиталари, маҳалла, қишлоқ фоллари, комсомол етакчилари кўп. Аммо...

Масалан, Олмалиқ шаҳрида яшовчи Станислав Калинин деган ўсмир жиноят содир қилиб ќўлга тушди. Суд унинг жинояти тафсилотини кўриб чиқиб, ҳуқум ижросини кечишириш тўғрисида қарор қабул қилиди. Бундай ҳолларда милиция томонидан назорат-тарбия ишлари янада кучайтирилади. Шу мақсадда Станислав ишлайдиган «Сибцветавтоматика» илмий ишлаб-чиқариш бирлашмасига бир нечта таклифлар байён қилинган хат юборилди. Аммо бу корхона раҳбарияти хатдаги таклифларни кўриб чиқиш у ёқда турсин, жавоб хати йўллашни ҳам ўзига эп билмади.

Мактаблар ва ўрта махсус ҳунар-техника билим юртларнинг таълим-тарбия соҳасидаги ижобий ишлари билан бир қаторда анча-мунча камчиликларга йўл қўйиладиганини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Бу ўринда, айниҳа, ҳурматли муаллимларимизнинг тарбия билан фақат ўқув соатлари чогида шуғулланишадиганини, ана шунда ҳам кўп ўқувчи ва талабалар дарс пайтида кўча-богларда, кинотеатрлarda хатжилд кўтариб юришлари ќеч кимга сир эмас. Синиф раҳбарлари ва гурухларнинг мурраббийлари ўз тарбияланувчилигини ўйларига жуда кам борадилар, оиласидан шароитлари билан кам қизиқдилар. Ундан ташқари эса ўтган йилда 36 муаллим хушёрхонамизда «мехмон» бўлиб кетди. 5 киши эса жиной жавобгарлика тортилди.

...Улар биргалашиб машинани шатакка олиб, Жамол



ОЁҚ ОСТИДАГИ ФАЛОКАТ

Яқинда пойтахтнинг Чилонзор кўчасида йўл ҳаракати қоидаси бузилганлиги сабаби Тошкент шаҳар юкташиш корхонасида қарашли «УАЗ» белгили 39-14 ТНН рақамли транспорт воситаси билан 47-37 ТНТ рақамли «Жигули» енгил автомашинаси тўқнашиб кетди.

Муқими кўчаси томонидан шаҳсий машинасида Чилонзор кўчаси бўйлаб келаётган Рустам Берешев қаралади.

Суратларда: тўқнашиб кетган машиналар.

Ҳабибулла ШОДИЕВ
олган суратлар.



ТЕКИН ЛУҚМА ТОМОҚ ТЕШАР

Ярим тунда зиёфатдан қайтаётган Жамол маҳалласига яқинлашиб қолганда жарлик ёқасидаги машинага кўзи тушди. Яқинроқ бориб қараса, «Жигули» ичидаги њеч ким йўқ. Кимдир айрим қисмларини ечиб ҳам кетибди. Кўнгли нишонидир сезган Жамол бу ҳақда милицияни огоҳлантиромоқчи бўлди. Афусски бир зумда шаштидан қайтиб, фойдаси тегадиган иш қилмоқчи бўлди ва зипиллаб уйи томон жунаб кетди. Йўлчўлакай машинаси ичидаги кимнидир кутиб ўтирган йигитга дуч келди. Астагина унинг бордида, ғамгин оҳангда машинаси пастликка тушиб кетганларигини айтиб, ёрдам берини илтимос қилиди. Савобтабалаб қишининг Жамолга раҳми келди шеклини, дарров рози бўла қолди.

...Улар биргалашиб машинани шатакка олиб, Жамол

нинг ҳовлисига келтириб қўйдилар. Омади келган йигит вақтни чўзиб ўтирамай машинани қисмларга ажратиб ташлади ва тез кунлар ичидаги чайков бозорида пуллаб юборди.

Ана энди бели оғримаганинг нон ейинини кўрсангиз эди. Осонгина қўлга киритилган пуллардан чўнгатаги қаппайиб, кунини базум жамшидларда кайфу сафо билан ўтказди. Лекин машшатпараст ўғрининг курсандишилиги узоқча чўзилади.

Кунларнинг бирида Жамол милицияни ходимлари пайдо бўлишибди. Афусски оператив ходимлар ўғирлик содир этилиши тафсилотини ўрганиб чиққунларига қадар бутун бир автомашинадан фақаттинга Жамолга сотиб ултурмаган бир нечта қисмлари қолганди, холос.

С. ШОВҚИЕВ.

ҚУРИҚЛАШ БУЛИМЛАРИДА

ШОЙИ ТИКАНДЕК БОТАДИГАН БЎЛДИ

Тунги соат иккиларда кўриқланадиган объектларни назорат қилиб юрган Советобод тумани ИИБ қўриқлаш бўлими марказлаштирилган соқчилик пульти навбатига инспектори милиция кичик лейтенанти Азamat Ҳакимов ва милиция кичик сержантни Алихон Норматолов Наманган шоий ишлаб чиқарниш бирлашмаси теварак-атрофийи кўздан кечираётганди. Ҳарони бурчакда одам шарасини сезгандек бўлдилар. Яқинроқ бориб қаралиса, яширининг

турган кимса қўлидаги юкини ташлаб қочмоқчи бўлди. Лекин милиция ходимлари буига йўл қўймадилар. Уни ИИБ нафбатчилик қисмига олиб келдилар ва текширувдан ўтказдилар.

Мазкур бирлашма ишчиси 31 ёшли Аҳмаджон Умаров бўлиб, у 713 сўмлик 180 метр шоий газламани ўмарид кетаётган экан.

Энди Аҳмаджон қонун олдига жавоб беради, М. АХМЕДОВ.

ЗИЁФАТ

Бироннинг топган-туттаги эвазига кун кечирмоқчи бўлган ака-ука Алексей ва Александр бир кун туз-ичган жоингга қирқ кун таъзим қили, деган ҳикматли иборани унтуганиклиари туфайли суднинг қора курсисига ўтирилар. Юнособод даҳасининг 14-маддасидаги 23-йда истиқомат қилувчи бу «адашганлар» шу йилнинг 7 январида эски танишлари Н. Кимнинг уйига меҳмонга боришади. Зиёфатдан қайтишда мезбон уйининг қалитни «гум» қилишади. Калитнинг йўқолганилиги уй соҳибасини ташвишлантиради. Бирор үзбекистончанинг 1000 минг сўмга пуллаётган пайтда милиция ходимлари томонидан ушланди. Яқинда Киров тумани халқ судининг ҳукми билан Лебедевлар Узбекистон ССЖ жиноят мажмусасининг 125-моддаси Зекисми билан уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Р. АКБАРАЛИЕВ,
Тошкент шаҳри.



Давлат ҳазинасига топширилди

Дам олиш куни. Одатдангидек Тошкент отчопари гиравшираданоқ одамлар билан гавжум. Бозорга кириб келаётганларнинг охри кўринмайди.

Бу ерга кимдир дўёноларда топилмайдиган молни ҳарид қилишга келган. Тўғри, нархи ҷашиб олгудек. Лекин нима қўлсан? Зарур бўлгач, ўз баҳосидан бир неча бор қиммат бўлса ҳам сотиб олишга мажбур. Бошқа бирор эса ҳозирги ийтисодий танглиқдан фойдаланиб дўкон, базалардаги таниш-билишларидан олтан камёб маҳсулотларни сотмоқчи. Тўғрироғи, бойлик тўплаб олмоқчи.

Шундайлардан бири милиция ходимларининг эътиборини тортид. Отчопардаги бозорнинг дарагини эшишиб, олис Уфа шаҳридан келган М. Исмагулованинг хўжалик сумкаси столга ағдарилганди, унинг ичидан нималар чиқмади дейсиз. Унда ҳали кўпчиликнинг қўлига етиб бормаган 1991 йилги япянги элликталик пулдан 44 таси, 131 дона аёллар колготкаси ва яна анчагина майдайдалар бор экан.

В. Алексеевич эса чет элда ишлаб чиқарилган видеокассетани бир неча баравар юқори баҳода пуллаётганида ушланди. Унинг сумкаси текширилганда, юқорида тилга олинган кассетадан яна 9 дона топилди.

А. Абдеев эса 250 сўмга олган соатни 350 сўмга соатётганида қўлга олиниди. Бу кимсанинг ҳам чўнтақлари тинтуб қилинганда, турли



майда-чўйда, 3710 сўм пул чиқди.

Г. Рисқулованинг «буюм»-ларини кўрган одамнинг кўзи қамашади. Кроссовка дейсизми, шампун дейсизми, турли тусдаги матолар, қўйингки, анчагина буюмлар қалашаб ётарди...

Шу куни Тошкент шаҳар ИИБ бошлиғининг ўринбосарлари, милиция подполковники Анвар Бадалбоев ва милиция подполковники Каримжон Солиҳовлар бошлиқ милиция ходимлари чайқовчилар қўлидаги 16 минг 444 сўмлик молларни давлат фойдасига ўтказдилар. 400 сўмлик эгасиз мол ҳам давлат ҳазинаси топширилди.

Шовқиддин САМИЕВ.

СУРАТЛАРДА: 1) Уфалик М. Исмагулов; 2–3) чайқовчилардан олинган ашёвий далиллар; 4) «шампунчи» Г. Рисқулова.

Суратларни К. ЗОҲИДОВ олган.

Тан олиш керак, милиция сафларида ҳам ўзига берилган ҳуқуқ ва имкониятларни сунистемол қиласидан, осоишиналик посбонлари орасига адашиб кириб қолган шахслар йўқ эмас. Рўзномамиз ихлосмандлари бўзга кетма-кет мактуб йўллаб, ана шундай кимсаларни аёвсиз фош этишинизни сўрашмоқдаки, бундай талаблар бизнинг мақсадимиз билан ҳамоҳангдир.

Муҳаррирнитимизга келган шикоятдан:

«... Фрунзе туман ички ишлар бўлимида участка вакили бўлиб ишлаган милиция майори Иўлдошали Сайдалиев устидан Сизларга маълум қилмоқчи. 1989 йилнинг сентябрь ойларида қўшним Кўлонбой Кўназаров йўлимни тўсиб, ўлдирмоқчи бўлиб, ҳақорат қилди. Мен бу ҳақда ИИБ бошлиғи номига ариза ёзиб, участка вакилига топширидим. Лекин милиция майори И. Сайдалиев ана сўроқ қиласан, мана, деб мени лақиллади. Кеинин мен шикоятим тақдирни билан қизиқдим. Афсуски, ИИБда уни менга топиб беришолмади, рўйхатдан ҳам ўтказилмай йўқ қилиб юборилган экан.

И. Сайдалиев ҳозир Қўйон темир йўл милициясида ишлайти. Одамларнинг ҳаммаси ҳайрон. Бундай шахс бир жойда бўлмаса, бошқа жойда ишлатилаверарканда? Қачон бундайларга чора кўрилади?

Хўрмат билан Фарғона виляти, Фрунзе туманинага Пищакарон қишлоғидаги яшовчи пенсионер Зарифжон Акбаров.

Бу шикоят мен учун гўёки қанот бўлди. Хизмат сафарига отландим. Йўлда кетаипман-у, миямда турли ҳаёллар чарх уради. Фуқаролик ҳуқуқи обёқости қилинган жафоқашни ва елкасида погони ялтираб турган айёр милиция майорини ўзимча тасаввур этмоқчи бўламан. Лекин манзилга етиб боргач, воқеалар ривожи бутунлай бошқача тус олиб кетиши мињаъд ҳаёлимга ҳам келмади.

Бу ишдан хабарим бор, — дейди Фрунзе тума-

ҳам, райисполкомга ҳам, судга ҳам ёзганимай. Ҳал қилиб беришмаяти. Энди умидим сиздан, ука.

Во дариг. Бизга нима бўлаяпти ўзи? Қўни-қўшниларнинг жиққамушт бўлишига, турли идораларга кетмакет мактуб ёзиб, қайта-қайта текширишлар наҳотки гугурт қутисича келадиган жой учун талашиш асос бўлса? Аждодларимизнинг қўшнининг қўшнида ҳақи бор, деган ўйтлари қаёқда қолди?

Яна шикоятчига юзланаман:

— Майли, ўша озгина ер баҳона бўлиб қўшнингиз би-

риб қўяйлик, деган таклифини ҳам рад этгансиз. Огоҳлантириб қўсангиз бўлди, қўшнимни, деган экансиз.

— У шунаقا айёр одамда. Ҳақиқатдан тониб тураверади. Шунинг учун «Постда» рўзномасига мурожаат қилдил.

— Езма равишда ариза берганингизни бирор киши тасдиқлай оладими?

— Ҳеч ким йўқ эди.

— Менга қаранг, Зариф ака, Сиз аввал милиция соҳасида ишлагансиз, — деб суҳбатга қўшилди боядан бери жим ўтирган ИИБ бошлиғи ўринбосари, — ҳақиқатдан ҳам Сайдалиев Сиз-

са одам, боқувчиси йўқ. Уша ариқни сув тошмайдиган қилиб олиш қўлидан келмайди. Майли, уни биз бетон қилиб берамиш, деб ваъда берганиманку. Сал кунлар исисин, ахир.

Шундай қилиб, Зариф ака Акбаров билан хайрлайдик. У чиқиб кетгач, ижроқўм раиси бир даста қофозни қўлимга тутқазди.

— Бир кўз ташлаб чиқинг. У киши ва қўшниси Кўконбой Кўназаров ўртасидаги мажорони 1989 йил 14 октябрь куни маҳалла қўмитасининг умумий йигилишида муҳокама қиласидан.

135 киши иштирок этган мажлис карори:

1. МВТИ плани бўйича ҳар иккى қўшнининг жойи ўзига аниқлаб берилсин.

2. Бошқаларни ҳурмат килмаганини учун З. Акбаров маҳалладаги бирорта маросимга ҳам қатнашмасин.

3. Бундан бўён З. Акбаровнинг мазкур масала бўйича юқори идораларга бергани аризаси инобатга олингасин.

Иғилиш раиси И. Каримов.

Секретари А. Қорабоев.

Сафарим сўнгига туман ИИБ бошлиғи ҳузурига яна бир бор кирдим.

— Мана, ўзингиз лозим топган одамлар иштирокида у кишининг шикоятини ўргандингиз.

Даъволарининг бирортаси ҳам тасдиқланмади, шундайми? Ўтган йили участка вакили С. Бегматов 2 октябрдан 10 октябрчага шугуланиб, шундай хуносага келган.

Энди милиция майори И. Сайдалиевга келсан, 8 нафар фарзанди бор. Кексайиб қолди. Шунинг учунни участка вакили С. Бегматов 2 октябрянгизни 10 октябрянгача шугуланиб, шундай хуносага келган.

Энди милиция майори И. Сайдалиевга келсан, 8 нафар фарзанди бор. Кексайиб қолди. Шунинг учунни участка вакили С. Бегматов 2 октябрянгизни 10 октябрянгача шугуланиб, шундай хуносага келган.

БОР ГАП ШУ

ёхуд рўзномага келган шикоят хати тасдиқланмагани ҳақида

майори Ўқтам ака Қўйлиев билан бирга Дангарга посёлка Кенгаши икрайя қўмитаси раиси Муҳаммаджон Сultonov ҳузурига бордик. Шикоятчани ҳам шу ерга таклиф этдик.

— Зарифжон ака, айтингчи, аввало қўшнингиз Қўйонбой Кўназаров билан орангиздаги келишмовчиликнинг сабаби нима? — сўрайман у кишидан. Лекин ижроқўм раиси эътиборини тортди.

— Мумкин бўлса, бу саволингизга мен жавоб берсам. Сиз қарши эмасмисиз, Зариф ака?

— Бемалол, Сиз бу ишга бош сўзанларнинг орасида энг имонли одамсиз, Сизга ишонаман.

— Буларнинг ўртасидаги низо 1987 йилдан бери давом этиб келаяти. Сабаб — ўртадаги девор бўлиб Зариф ака томонга 25 сантиметр ўтиб кетган экан. Биз туман меъмори билан биргаликда деворни Зариф ака томонга 20 сантиметрга сурдирдик. Лекин яна 5 сантиметр суришининг иложини қиласидан.

— Ана, кўрдингизми, одамларнинг ўзгарувчанигини. Ё тавба.

— Бу ҳам майли. Сўнгра Сиз ўша пайтдаги участка вакили Иўлдошали Сайдалиевга мурожаат қиласидан.

— Ёзма равиша.

— Иўлдошали эса оғзаки мурожаат қиласидан, деб кўрсатма берган. Ҳаттоқи, сиз унинг протоколлашти-

нинг шикоятингизни йўқотиб юборган, деб фараз қиласидан.

— Ҳа, шундай. 1989 йил сентябрь ойида қўшним Кўйонбой йўлимни тўсиб, судга ариза ёзвериб, жонга тегдинг, мен сени ўлдираман, деди. Буни ўқитувчи бўлиб ишлайдиган Рустамали ҳам кўрган.

— Кечирасиз, ўша Сиз айтган З-ўрта мактаб ўқитувчидан Рустамали Ашуропов бошқаша кўрсатма берган. Унинг гапига қараганди, қўшнингиз индамай уйига кириб кетганини тасдиқлашти. Мана, унинг тушунтириш хати.

— Ана, кўрдингизми, одамларнинг ўзгарувчанигини. Ё тавба.

— Бу ҳам майли. Сўнгра Сиз ўша пайтдаги участка вакили Иўлдошали Сайдалиевга мурожаат қиласидан.

— Ёзма равиша.

— Иўлдошали эса оғзаки мурожаат қиласидан, деб кўрсатма берган. Ҳаттоқи, сиз унинг протоколлашти-

Рахмон АЛИ.

АЁЛ ФОРМА КИЙГАНДА

Сиз «Постда» рўзнома-сигаги қизиқарли мақолалар остида «Революция Ҳасанова» деган имзони кўп учратгансиз, албатта. Эҳтимол, аёл бўла туриб, қалтис воқеалар ҳақида қадам тебратадиган, жасорат билан қаллобларни фош этадиган инсон ким экан, деб ўйлаган бўлсангиз керак.

Марҳамат, танишинг: Революция Ҳасанова — ИИВ қўриқлаш бошқармаси инспектори, унвони — милиция капитани.

— Революция опа, бизни энг аввало ички ишлар соҳасига қандай кириб қолганинг қизиқтиради...

— Ўзим ҳам, ҳойнаҳой, саволни шундан бошласангиз керак, деб ўйлагандим. Биласизми, 1956 йилда Ўзбекистон Комфирқаси Марказий Қўмитасида машинистка бўлиб ишлардим. Бир куни раҳбарлардан бирин ўз хонасига чакириб, ўша ерда ўтирган милиция полковники А. Карасик билан танишиди. Кейин билсан, бу киши «Постда» рўзномасининг ўша пайдаги муҳаррири бўлиб, мени ўзларига ишга таклиф қилиб келган экан. Йўқ демадим. Шундай қилиб, муҳарририта 11 йил ишладим. Мен машинисткаман, демадим. Қанақа иш тўғри келса, очиқорги нимани буюришса, сўзсиз бажардим.

1968 йилда эса соқчилик бошқармасига инспектор лавозимида таклиф этишиди. Яна йўқ демадим.

— Демак, чинакам милиция ходими бўлдингиз.

— Ха.

— Қийинчиллик...

— Албатта, қийинчиллик бўлиши табий. Биттагина мисол айтаман сизга. Ишда эркаклар билан баб-бара-вар қадам ташлаш талаб қилинади, уйда эса аёл кишининг ҳеч қанақа расмий қонунларда кўзда тутилмаган бурчи бор. Худога минг қатла шукурки, ҳар икки вазифани ҳам кўнгилдагидек адо этиб келаяпман.

Бошқармада ўтган 23 йиллик фаолиятим давомида қандай топшириқ берилмасин, сидқидилдан бажаришга одатланганман. ССЖИ ИИВнинг биринчи, иккичи, ва учинчи даражали «Бенуқсон хизмати учун» медаллари, «Милиция аълоқиси» ишониш билан тақдирландим. Яқинда «Меҳнат ветерани» бўлдим.

Уйда эса уч фарзандимни вояга етказдим. Улар олий маълумот олишиди, оиласи

бўлишиди. Беш нафар севимли набирам бор. Қисқаси, соchlаримнинг оқарганига афсус қилмайман.

— Бошқармангида офицерлик лавозимида ишлатган бошқа аёллар ҳам борми?

— Бор. Мисол учун Зуҳра Муҳаммаджоновна олайлик. Олий маълумотли ҳуқуқшунос бўлган бу аёлнинг ҳаёт ўйли гоят ибратли. Қарийб 21 йилдан бери инспектор бўлиб ишлаб келяпти, милиция маюри. У кишининг кўксидаги ҳам мендаги медалларнинг ҳаммасидан бор. Агар ички ишлардаги ёш уқаларимиз, сингилларимиз у киши билан яқиндан муносабатда бўлсалар, кўп нарсаларни ўрганишлари мумкин.

— Опа, энди тилемнинг учуда турган бир саволимни...

— Тортинманг, айтаверинг.

— Милицияда ишласангиз, кўп ҳолларда шу касбнинг ўзига хос хусусиятларни хислатингизга ҳам тасир қиласи.

— Гап-сўзлар дағаллашиб, аёллик назокати маълум маънода йўқолади, демокчимисиз?

— Дилингизга етказган озорим учун узр...

— Йўқ, кечирим сўрашга ҳожат йўқ. Кўпчилик шундай ўйлади, фақат сиз эмас. Энди айтинг-чи, менинг гап-сўзларимда ёки ҳатти-ҳаракатларимда шу нарсани сезганимисиз?

— Мутлақо.

— Яшанг. Демак, бу одамнинг ўзига болгиқ экан. Сиз боя айтганимдек, Зуҳра опангиз билан бир суҳбатлашинг. Жуда ҳузур қиласиз, бирим дилкаш, бирим дилкаш.

Тўғри, милиция одамни тарбиялайди, пишиқ-пухта қилидай. Лекин қон-қонимизга сингиб кетган ўзбек аёлга хос одоб, ҳаё, иффат деган туйгуларни ўйкотмайди.

— Унда нима учун офицерлик даражасига кўтарилилган аёллар, айниқса, ўзбек аёллари кам?

— Бу саволингиз энди кишини ўйлантириб қўяди. Менинг фикримча, оператив ишларда эркаклар ишларни маъқул. Шундай вазиятларга дуч келинадики, эркакларга хос бўлган тадбиркорлик, ҳатто жисмоний бақувватлика эҳтиёж се-

зилиб қолади. Лекин бизнинг участкадагидек хизматлар ҳам борки, уларни аёллар эркаклардан яхшироқ бажарнишлари мумкин.

— Баридир, бояги саволимга жавоб ололмаяпман.

— Шошилмангда, укам. Мен бошқармада учта шогирд тайёрлашга эришдим. Улардан бирни милиция лейтенанти Нодира Содиқова.

У дастлаб ишни котиба-машинисткалидан бошлаб, қарийб 21 йилдан бери инспектор бўлиб ишлаб келяпти, милиция маюри. У кишининг кўксидаги ҳам мендаги медалларнинг ҳаммасидан бор. Агар ички ишлардаги ёш уқаларимиз, сингилларимиз у киши билан менга ёкиб қолди. Раҳбарларга ҳам.

Мен ёшим истеъфога яқинлашиб қолганини, Нодира ўз ўрнимуга тайёрлашмоқчи эканлигини айтсам, ҳеч ким эътиroz билди. Икки йил у билан шугууландим. Энди мустақил ишлашга тайёр бўлганида, уни офицерлик лавозимида ўтказиш амри маҳол бўлиб қолди. Сабаби, баъзи раҳбарлар бир талай баҳонани рӯқач қилишиди: Нодира ёш, эрта-индин турмушга чиқади, бу ерда ишлашига бўлажак куёв қандай қарайди ёки фарзанд кўрса нима бўлади ва бошқалар.

Кўрганингизда эди қанчалик асабийлашганимни. Ҳаёт, курашдан иборат эканлигини тўла тушуниб етмаган Нодиранинг бокира қалби эзилишидан чўчидими ёки икки йиллик меҳнатимнинг чишқаларни чиқиши алам қилдими, ўзимча, бошлиқларга фикримни исботламоқчи бўлдим.

Мана, ҳозир ҳамма кўнгилсизликлар орқада қолди. Нодира милиция лейтенанти бўлди. Шундай юклатилган вазифани бекаму кўст бажаряпти.

Ана энди саволингизга лўнда жавоб берсанам бўлади: хизматимизда ўзбек аёллари камлигининг асоси сабаби — бизда, айниқса, қизлар тарбиясига кўп эътибор берилади. Уларни ор-номусли, шарм-ҳаёли, андишли қилиб ўстириши ўйлаймиз. Лекин минг афсуски, бальзан андишанинг отини қўйишишаркан.

— Демак, вазирлик раҳбарлари аёллар ишласа бўладиган участкаларга кадр танлашда аёлларимизнинг билим ва савияларига кўпроқ эътибор берисса, уларга ишонишса, фойдали бўларканда?

— Сиз мутлақо ҳақсиз.

Суҳбатдош
милиция капитани
Мирхон МИРАХМЕДОВ.



МАГЛУБИЯТДЕК ТАЪСИР ҚИЛДИ

Футбол учрашувлари қизин паллага кирмоқда. Муҳлислар олий лигада тўп суроғтган жамоаларнинг қуши, ўйин услублари, турнир жадвалидаги ўрни ҳақида баҳслашиб-тортишадиган вақт нелди.

5 апрель куни олий лиганинг энг кучли командаларидан бирни ҳисобланган Москванинг «Горледо» жамоаси паҳтакорчиларнинг меҳмони, бўлди. Учрашувнинг бошидаёт (5-дақиқада) футболчиларимиз олдинга чиқиб олишиди. Р. Галиев киритилган тўп муаллифи бўлди. Шуни айтиб ўтиш керакки, биринчи бўлимда иккала ко-

манда ҳам майдонда жуда суст ҳаракат қилди.

Иккинчи бўлимда паҳтакорчилар бир неча марта қулий вазиятга эга бўлдилар, лекин.. учрашувнинг 70-дақиқасида тўл ўтказиб юбордилар. Н. Савичев ўрнига майдонга тушган В. Юшиков хисобни тенглаштири (1:1).

Бугун Москванинг яна бир команда — «Локомотив» паҳтакорчиларга қарши майдонга тушади. Ажаб эмас, орзиқиб кутилаётган галаба нашидаси сурисла.

Зиёвиддин СОДИҚХУЖАЕВ.

Б. ХОЛМИРЗАЕВ олган сурат.

Оиламиз номидан сўраймиз

Биз Қўшработ туманинг тоғли кисмидаги яшаймиз. Тоғйўлларидан юриш қанчалик машақат эканлигини биласиз. Айниқса, қорли-ёмирили кунларда бизнинг қишлоққа келиш ёки туман марказига бориши янама мушкуллашади. Ана шундай кунларнинг биррида, яъни ўтган йил ноябр ойининг охирларидан оиласизмиз учун таҳликали воеа содир бўлди. Беш нафар фарзандим бирданга заҳарланиб, ҳаётда камдан-кам учрайдиган ва шу билан бирга ўта хавфли бўлган «ботулизм» хасталиги билан оғриб қолди. Қишлоқ врачлари қўлидан келганча ёрдам бериши. Лекин болаларимга кучли мутахассислар қараши, махсус дорилар билан муолажа қилиниши лозим экан. Бунинг учун эса туман марказига бориши шарт.

Ана шу оғир дамда бизга Зармитан посёлкаси участка вакили, милиция майори Бектош Тошниёзов жуда катта ёрдам берди. Оғир об-ҳаво шароитига қарамасдан Б. Тошниёзов биринчи ўринда қаердандир энг керакли дори-дармонларни топиб келди. Сўнгра фарзандларимни туман марказига олиб тушнишга кўмаклашди. Болаларимнинг тўрт нафа-

ри Самарқанд шаҳридаги 1-юкумли касалликлар шифохонаси, биттаси эса Қўшработ туман марказий касалхонаси реанимация бўйламиларида даволанди. Бир ярим ой деганда зўрға оёқка турдилар. Уларнинг ҳаётларини сақлаш қарорларнинг боришини таҳликали воеа содир бўлди.

Хозир айтганимдай, болаларимнинг ҳаётини сақлаб қолишида осойишталик посбони Б. Тошниёзовнинг жуда катта ҳиссаси бор. Сизларга хат ёзаётганинг боиси шундаки, рўзномаларингиз орқали унга ўз миннатдорчилигини билдириш. Ва шу билан бирга агар иложи бўлса, Узбекистон ССЖ Ички ишлар вазирилиги томонидан фидойи инсон, милиция майори Бектош Тошниёзов моддий ва маънавий томондан рагбатлантирилса. Биз буни оиласизм номидан сўраймиз. Токи, шундай олижаноб қалб соҳиблари сафи кенгаяверсин.

Т. АБДУМОРОДОВ,
Афғонистон фахрийлари иттифоқининг Узбекистон жумҳурият бўлими «Чормитон» хўжалик ҳисобидаги корхонаси директори.

МАҲБУСНИ ОСИШ ЁДДАН ЧИҚИБДИ


Улимга ҳукм қилинган Кристофер Касоло роппа-роса 13 йил панжара ортида ўтириди. Бироқ негадир жазо ижро этилмай қолаверди. Янги йил арафасида Уганда олий суди маҳкумни арзимас пул гаровига озод қилиб, миллий суд тарихидаги энг шармандали ишни ёпиб ташланишини билдириди.

Ҳамма гап шундаки, маҳаллий адолат тарозиси мана шу 13 йил ичиде Касоло олий жазога ҳукм қилинганини ёддан чиқариб қўйган. Фақат шуниси аниқки, унга нисбатан ҳақиқатдан ҳам шундай ҳукм ўқилган. Узоқ 1977 йили

маҳкум суд қарорига ўша заҳотиёқ норозилик билдирагни учун унинг ҳужжатлари қўшимча текширишга жўнатилиб, идорама-идора «бор отангга, бор онангга» қабилида юраверди. Икки йилдан сўнг эса ҳукм илова қилинган ҳужжатлар қаердадир ном-нишонсиз йўқолди.

Ҳозирги қозилар Касолонинг ўзидан қайси жинояти учун уни осиши ўйли билан жазолашмоқчи бўлишганини сўрашганида, баҳтиёр маҳкум буига аниқлик киритиш истиғайлини яширмай айтди.

«ТОРГОВАЯ ГАЗЕТА»ДАН ТАРЖИМА.



БАҲОР.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ

суратли лавҳаси.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меднат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Рўзнома оғсет усулида, А-3 қолнида босилган

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Телефонлар: Муҳаррир,

муҳаррир ўринбосари — 39-77-23,

37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» —
«НА ПОСТУ»